

# Единый портал корпоративной информации

## Проспекты эмиссий

"Turkiston" ХАТБ

Государственная регистрация выпуска ценных бумаг для банков

<b>1</b>	<b>НАИМЕНОВАНИЕ ЭМИТЕНТА:</b>	
	Полное:	"Turkiston" xususiy aksiyadorlik tijorat banki
	Сокращенное:	"Turkiston" ХАТБ
	Наименование биржевого тикера:	TKTN
<b>2</b>	<b>КОНТАКТНЫЕ ДАННЫЕ</b>	
	Местонахождение:	100123, Тошкент ш., Учтепа тумани, 11-мавзе Заргарлик кўчаси 48А
	Почтовый адрес:	100123, Тошкент ш., Учтепа тумани, 11-мавзе Заргарлик кўчаси 48А
	Адрес электронной почты:	info@turkistonbank.uz (mailto:info@turkistonbank.uz)
	Официальный веб-сайт:	www.turkistonbank.uz (http://www.turkistonbank.uz)

<b>3</b>	<b>Дополнительная информация организации</b>	
	уполномоченный государственный регистрирующий орган выпуска ценных бумаг	Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази
	регистрационный номер	P0064 – 13
	дата государственной регистрации выпуска ценных бумаг	15.04.2016
	основные направления деятельности и виды производимой продукции (услуг)	Банк хизматлари

наличие у эмитента независимой рейтинговой оценки. Привести его короткое описание

• «Ahbor – Reyting» рейтинг агентлиги томонидан «Туркистон» Хусусий акциядорлик тижорат банкига 2015 йил октябр ойида миллий шкала бўйича «Барқарор» прогнозли «uzB++» кредит рейтинг кўрсаткичи берилган. «uzB++» кредит рейтингни Банкнинг етарли даражадаги кредитга лаёқатлигини билдиради. «uzB++» кредит рейтингини олган банк ўз молиявий мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ қоплай олишда бошқа республика банкларига нисбатан юқорилик имкониятларга эга эканлигини кўрсатади. Бироқ, тижорат, молия ва иқтисод соҳаларида шароитнинг ўзгариши мазкур рейтингни қўлга киритган банкларга А синфига мансуб рейтингга эга банкларга нисбатан ўз молиявий мажбуриятларини сўндириш имкониятларига таъсир ўтказиш эҳтимоли юқори.

• Халқаро рейтинг агентлиги «Standard & Poor's» томонидан Банкка 2015 йил май ойида «B-/NEGATIVE/C» кредит рейтингини берилган. «B-» узоқ муддатли кредит рейтингини бўлиб, банкнинг тўловга лаёқатлигини, лекин ноқулай иқтисодий шароитнинг мажбуриятларини ижро этиш ва қарзларни тўлаш имкониятларига салбий таъсир кўсатиши мумкинлигини англатади. «C» қисқа муддатли кредит рейтингини бўлиб, банкнинг ўз қисқа муддатли мажбуриятларини қоплаш имкониятлари чекланганлиги ва улар қулай иқтисодий шароит билан боғлиқлигини кўрсатади.

4

**Условия выпуска и размещения ценных бумаг в соответствии с решением о выпуске ценных бумаг**

тип акций выпуска

эгасининг номи ёзилган оддий акциялар

количество акций выпуска

5 000 000

номинальная стоимость акции выпуска, сум

1 000

общий объем выпуска (по номинальной стоимости), сум	5 000 000 000
---	---------------

права, предоставляемые каждой акцией выпуска

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 26 – 27 – моддалари ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқларни беради. Банкнинг оддий акциялари эгаси қуйидаги ҳуқуқларга эга: • Банкнинг акциядорлари реестрига киритилиш; • Инвестиция воситачисидаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш; • Банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш; • Банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол – мулкнинг бир қисмини олиш; • акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш оққали Банкни бошқаришда иштирок этиш; • Банкнинг молия – хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш; • олган дивидендини эркин тасарруф этиш; • қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; • ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш; • ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш; • қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш; • Банк акциялари берадиган ҳуқуқларни (ҳуқуқларнинг бир қисмини) қонунчиликда белгиланган тартибда ишончнома асосида ўз вакилига (вакилларига) бериш; • Банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар ва уларнинг нархномалари тўғрисида ахборот олиш; • Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Банк Устави билан белгиланган бошқа ҳуқуқлар.

<p>способ размещения акции, а также в случае закрытой подписки указывается круг лиц, среди которых осуществляется размещение</p>	<p>Банк акциялари акциядорларга имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи тақдим этиш билан очик обуна орқали жойлаштирилади</p>
<p>дата начала размещения акций</p>	<p>Акциялар чиқарилуви давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабар ва имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати билдиришномаси қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартиб ва муддатларда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан эътиборан 31 (ўттиз биринчи) кун, бироқ имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати ўтгунига қадар Банкнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, акцияларни жойлаштириш ушбу аризалар келиб тушган кундан кейинги иш кунида, лекин қимматли қоғозларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабар эълон қилинганидан кейин камида икки ҳафта ўтгач бошланади. Агар акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси банк ҳисоб операциялари учун дам олиш кунига тўғри келса, унда акцияларни жойлаштириш кейинги биринчи иш кунида бошланади</p>
<p>дата окончания размещения акций</p>	<p>Мазкур чиқарилишнинг сўнгги акцияси жойлаштирилган кун. Бироқ акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси, мазкур чиқарилиш қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 365 кундан ошмаслиги лозим</p>

<p>порядок размещения акции</p>	<p>Қўшимча чиқарилаётган акцияларни сотиб олишда Банк Уставининг 4.15. – бандига асосан банк акциядорларига имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи берилади. Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати билдиришнома эълон қилинган пайтдан эътиборан 30 (ўттиз) кун давомида амал қилади. Акциялар имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи орқали жойлаштирилаётганда акциядорлар билан биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида тўғридан тўғри фуқаролик – ҳуқуқий битими тузилади. Акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, жойлаштирилмаган акциялар очиқ обуна орқали чекланмаган инвесторлар орасида «ТОШКЕНТ» Республика фонд биржасида жойлаштирилади. «ТОШКЕНТ» Республика фонд биржасида акцияларни жойлаштириш бўйича битимлар, ушбу биржанинг савдо қоидаларига мувофиқ амалга оширилади. Акцияларни жойлаштириш учун андеррайтерлар жалб қилинмайди</p>
<p>цена (цены) или порядок определения цены размещения акций данного выпуска</p>	<p>Акциялар уларнинг бозор баҳосида, лекин номинал қийматидан паст бўлмаган нархда жойлаштирилади</p>

<p>условия и порядок оплаты акций, в том числе форма расчетов, банковские счета, на которые должны перечисляться средства в оплату акций</p>	<p>Акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ёки акцияларга тўлов кундаги расмий курс бўйича эркин айрбошланадиган валюталарда амалга оширилади. Акцияларни жойлаштириш жараёнида акциялар учун тўловлар фақат пул маблағлари билан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонунининг 36 – моддасига асосан акцияларнинг имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи амал қилиш даврида тўловлар, юридик шахслар учун нақдсиз шаклида – пул ўтказиш йўли билан, жисмоний шахслар учун нақд – банк кассасига топшириш йўли билан ва нақдсиз шаклида – талаб қилиб олгунча депозит ҳисоб рақамлари орқали, шу жумладан пластик карточкалар орқали ҳам амалга оширилади, бунда акциялар учун пул маблағлари билдиришномада кўрсатилган ҳисоб рақамига қабул қилинади. Акциялар учун тўланадиган нақд пуллар ХАТБ «Туркистон» нинг қуйидаги кассаларига қабул қилинади: № Филиал номи Банк коди Манзил 1 ХАТБ «Туркистон» 01104 Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 11 – мавзе, Заргарлик кўчаси, 48А 2 ХАТБ «Туркистон» Юнусобод филиали 00898 Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур 1 – тор кўчаси, 6 «ТОШКЕНТ» Республика фонд биржаси орқали амалга ошириладиган олди – сотди битимлари бўйича ҳисоб – китоб қилиш тартиби ва муддатлари ушбу биржанинг савдо қоидаларига мувофиқ амалга оширилади. Тўловлар нақдсиз шаклида – «ТОШКЕНТ» Республика фонд биржасининг махсус депозит рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади</p>
<p>орган эмитента, принявший решение о выпуске акций и дата его принятия</p>	<p>ХАТБ «Туркистон» Кенгашининг 2016 йил 05 апрелдаги 30 – сонли мажлиси қарори</p>

любые ограничения на эмиссию акций, установленные в уставе банка, ограничения в отношении возможных приобретателей размещаемых акций

Банк Уставида акциялар эмиссиясига чеклашлар ўрнатилмаган. Акцияларни сотиб олиши мумкин бўлганларга нисбатан Банк Уставида қўйидаги чеклашлар белгиланган: • Банкнинг овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорлар чиқарилаётган акцияларни ўзлари эга бўлган овоз берувчи акциялар сонига мутаносиб миқдорда имтиёзли сотиб олишга ҳақлидирлар. • Бир ёки бир нечта битим натижасида юридик ёки жисмоний шахс ёхуд ўзаро келишув билан боғлиқ ёки бир – бирининг мол – мулкни назорат қилувчи юридик ва жисмоний шахслар гуруҳи томонидан банк акцияларининг беш фоиздан ортиғи сотиб олинса, бу ҳақда беш иш кунидан кечикмасдан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига хабар берилиши, йигирма фоиздан ортиғи сотиб олинса, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан олдиндан розилик олиниши лозим. • Банк акцияларини сотиб олиш учун қўйидаги шахслар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг олдиндан рухсатини олишлари шарт: а) Ўзбекистон Республикаси норезидентлари; б) эллик фоиздан ортиқ акциялари (иштирокчилар бадаллари) Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг эгаллигида, фойдаланувида ва (ёки) тасарруфида бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари - юридик шахслари; • Қўйидаги шахслар Банк акциядорлари бўла олмайдилар: а) оффшор ҳудудларда рўйхатга олинган норезидент юридик шахслар; б) оффшор ҳудудларда истиқомат қиладиган чет эл фуқаролари; в) давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, жамоат фондлари, халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари, бюджетдан ташқари жамғармалар



<p>налогообложение получаемого инвестором дохода по приобретенным акциям</p>	<p>Акциядорлар томонидан сотиб олинган акциялар бўйича олинган даромадлар амалдаги қонунчиликка асосан солиққа тортилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ – 2454 сонли «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, 2020 йилнинг 1 январигача хорижий инвесторларга тегишли бўлган акцияларидан дивиденд тарзида олаётган даромадидан солиқ тўлашдан озод этилади</p>
<p>цель выпуска акций</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ – 2454 сонли «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги қарори талабларини бажариш мақсадида Банк Устав капиталини кўпайтириш ҳамда Банкнинг барқарор ресурс базасини мустахкамлаш</p>
<p>условия предстоящего выпуска облигаций в обращение</p>	<p>Облигациялар чиқарилиши кўзда тутилмаган</p>
<p>в случае оплаты ценных бумаг не денежными средствами указать перечень имущества, которыми могут оплачиваться ценные бумаги</p>	<p>Акциялар учун тўловлар фақат пул маблағлари билан амалга оширилади</p>

<p>порядок возврата средств, полученных эмитентом в качестве оплаты за ценные бумаги, на случай признания выпуска ценных бумаг несостоявшимся</p>	<p>Акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб тан олинган тақдирда акциялар учун тўланган маблағларнинг қайтариллиши қўйидагича амалга оширилади: ХАТБ «Туркистон» томонидан ушбу ҳолат тўғрисида ўрнатилган тартибда расмий маълумот (Қимматли қоғозлар чиқарилишини амалга олмаган деб топиш муҳим факти – 28) ХАТБ «Туркистон» расмий вэб сайтида (<a href="http://www.turkistonbank.uz">www.turkistonbank.uz</a>), «ТОШКЕНТ» Республика фонд биржаси расмий вэб сайтида (<a href="http://www.uzse.uz">www.uzse.uz</a>), ва Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг корпоратив ахборот ягона портали вэб сайтида (<a href="http://www.openinfo.uz">www.openinfo.uz</a>) ошкор этилади. Акциялар учун тўланган маблағлар инвесторларнинг аризаларида кўрсатилган ХАТБ «Туркистон» даги ёки бошқа банклардаги ҳисобварақларига 3 (уч) кун давомида пул маблағини кўчириш йўли билан тўлиқ ўтказиб берилди</p>
<p>порядок хранения и учета прав на ценные бумаги, в том числе, полное фирменное наименование, а также данные о лицензии на осуществление соответствующей деятельности</p>	<p>Тўлиқ фирма номи – Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси Давлат унитар корхонаси; Жойлашган манзили ва почта манзили – Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10; Телефон – (0 371) 236-14-34. Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачиси: Тўлиқ фирма номи – «CAPITAL – DEPOZIT» масъулияти чекланган жамияти; Жойлашган манзили ва почта манзили – Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Оққўрғон кўчаси, 25; Телефон – (0 371) 286-20-31.</p>

<p>приводятся основные данные, касающиеся порядка учета и перехода прав собственности на ценные бумаги</p>	<p>Акцияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни, амалдаги қонунчиликда ўрнатилган тартибда қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсида вакиллик ҳисобварағини очган ваколатли инвестиция воситачиси томонидан амалга оширилади. Ҳужжатсиз қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар олувчига унинг депо ҳисоб варағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда инвестиция воситачиси томонидан бериладиган депо ҳисоб варағидан кўчирма билан тасдиқланади</p>
<p>данные об организациях, принимающих участие в размещении ценных бумаг (андеррайтерах)</p>	<p>Қимматли қоғозларни жойлаштиришда андеррайтерлар иштирок этмайди</p>
<p>информация о порядке и месте ознакомления с копиями и оригинальным экземпляром решения о выпуске ценных бумаг и проспектом эмиссии ценных бумаг. Информация о печатных изданиях, где будут размещены усл</p>	<p>Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ахборотнинг ошкор қилиниши Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Маълумотлар – ахборот тизими манзили: <a href="http://www.turkistonbank.uz">www.turkistonbank.uz</a>, <a href="http://www.uzse.uz">www.uzse.uz</a>, <a href="http://www.openinfo.uz">www.openinfo.uz</a> Банк эмиссия рисоласининг ва қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорининг асли ва нусхаси билан Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 11 – мавзе, Заргарлик кўчаси, 48А уй манзили бўйича жойлашган ХАТБ «Туркистон» Бош офисида танишиш мумкин. Акциядорлар ва потенциал инвесторлар, шу жумладан хорижий инвесторлар эмиссия рисоласини кўриб чиқиш учун банк Бошқарувига мурожаат қилишлари мумкин. Банк томонидан эмиссия рисоласини кўриб чиқиш учун ҳеч қандай тўловлар олинмайди ва ҳеч қандай дастлабки шартларсиз ва аризасиз эмиссия рисоласини таништириш мақсадида акциядорлар ва инвесторларга тақдим этилади</p>

основные места продажи ценных бумаг	<ul style="list-style-type: none"> <li>• «ТОШКЕНТ» Республика фонд биржаси (манзил – Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10);</li> <li>• «Туркистон» Хусусий акциядорлик тижорат банки (манзил – Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 11 – мавзе, Заргарлик кўчаси, 48А).</li> </ul>
информация об организаторе торгов, в листинг которого планируется включение данного выпуска ценных бумаг	<p>Чиқарилаётган акциялар «ТОШКЕНТ» Республика фонд биржаси расмий листингига киритилади (манзил – Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10, расмий вэб сайт – <a href="http://www.uzse.uz">www.uzse.uz</a>)</p>

Источник: <https://openinfo.uz/ru/emissions/200/>

Дата: 08.12.2023